“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (ЎзРВБ)нинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботининг дизайнини яратиш бўйича танловни ўтказиш ҚОИДАЛАРИ

1. Танловнинг умумий қоидалари ва мақсади

1.1. Ушбу ҳужжат ЎзРВБнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботининг дизайнини яратиш бўйича танловни (кейинги ўринларда – Танлов) ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солади.

1.2. Танлов ЎзРВБ томонидан йиллик ҳисоботнинг дизайнини замонавий услуб ва концепциялардан фойдаланган ҳолда яратишга кенг жамоатчиликни жалб этиш мақсадида ўтказилмоқда.

1.3 Танлов доирасида ЎзРВБни халқаро молиявий ҳамжамиятга танитиш, фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларини, эришилган ютуқларини намойиш этиш, шунингдек фарқланувчи хусусиятларини кўрсатиб бериш бўйича энг яхши дизайнерлик ишлари аниқланади.

2. Танлов иштирокчилари

2.1. Танловда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари ва дизайнерлик ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

2.2. Танловда ЎзРВБ ходимлари иштирок этиши тақиқланади.

3. Танловнинг техник шартлари

3.1. Танловга ҳар бир иштирокчидан индивидуал ишлар уч тилда (ўзбек (лотин алифбоси), рус ва инглиз тили) қабул қилинади. Таклиф этилаётган дизайнерлик иши танлов мақсадига мос келиши лозим.

3.2. Ҳисобот дизайни қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- дизайнерлик иши (PDF) форматида, нашр этишга тайёр ҳолда тақдим этилиши;

- матн шрифти – ўқилиши осон шрифт тури, 13 ўлчамда бўлиши;

- дизайн ўзига хос (уникал), замонавий услуб ва концепцияларга эга ҳамда уч тилда универсал бўлиши;

- лойиҳадаги ранглар палитраси ташкилот логотипининг рангларига мос келиши;

- график ва диаграмма ранглари сақлаб қолиниши;

- дизайн элементлари сифатида тақдим этиладиган тасвирлар мақсадли аудитория билан самарали алоқа қилишга кўмаклашиш лозим.

3.3. Танловда тақдим этилган ишда учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузиши ва/ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келиши мумкин бўлган маълумотлар бўлмаслиги керак.

4. Дизайнерлик ишларини тақдим этиш

4.1. Танлов иштирокчилари дизайнерлик ишини info@uzrvb.uz (хат мавзусида “ЎзРВБ йиллик ҳисоботининг дизайнини яратиш бўйича танлов” деб кўрсатган ҳолда) электрон почта манзилига юбориши ёки шахсан электрон хотирада ЎзРВБга, 100084, Тошкент

шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4 уй манзилига (мўлжал: Тошкент архитектура-қурилиш институти) етказиши лозим.

5. Танлов ишларини баҳолаш мезонлари

5.1. Танлов комиссияси танлов иштирокчиларининг дизайнерлик ишларини қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳолайди:

- Ўзига хослик (уникал) ва оригинал;
- Замонавий услуб ва концепциялардан фойдаланганлик;
- Юқори савияли аудиторияга тақдим этилиши;
- Рамзий ва фарқли жиҳатлари;
- Ҳисоботнинг турли форматларда қўлланиш қулайлиги (ҳар қандай ўлчамдаги қоғозда босма қилиниши).

6. Танлов комиссияси

6.1. Танлов комиссияси ЎзРВБ ходимларидан ташкил топади ва қуйидагиларни амалга оширади:

- иштирокчилардан дизайнерлик ишларини йиғиш;
- танловни ўтказиш тартиби ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш;
- дизайнерлик ишларини баҳолаш;
- ЎзРВБнинг Ахборот-таҳлил ва коммуникациялар бўлими билан биргаликда ЎзРВБ веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида танлов бўйича эълонларни бериб бориш;
- мазкур ҳужжатнинг 2 ва 3-бандларида кўрсатилган Танлов шартларига мос келмаган ишларни муаллифни огоҳлантирмасдан Танловда иштирок этишдан четлатиш.

6.2. Танлов комиссияси дизайнерлик ишларини жамоатчилик эътиборига тақдим этиш мақсадида муаллифни хабардор қилмасдан ва уларга ҳақ тўламасдан ҳар қандай танлов ишларини тўлиқ нашр этиш ҳуқуқига эга.

6.3. Танлов комиссиясининг ҳар бир вакили танлов мезонларига жавоб бермайдиган дизайнерлик ишларини асослантирган ҳолда баҳоламаслик ҳуқуқига эга.

6.4. Танлов комиссияси аъзоларининг камида 2/3 қисми (кворум) дизайнерлик ишларини баҳолаган тақдирда якуний натижалар инобатга олинади ва ваколатли ҳисобланади.

7. Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби

7.1. Танлов давомида Танлов комиссияси ишларни техник талабларга мослигини текшириб, муносиб ишлар бўйича таклиф тайёрлайди.

7.2. Муносиб деб топилган дизайнерлик ишлари Танлов комиссияси томонидан баҳоланиб, энг яхши дизайнерлик иши кворум орқали аниқланади.

7.3. Дизайнерлик ишлари 2022 йил 5 августдан 26 августгача (шу жумладан) қабул қилинади.

7.4. 2022 йил 26 августдан кейин келиб тушган ишлар Танловда иштирок этишига рухсат берилмайди.

7.5. Танловда иштирок этиш Танлов шартлари билан танишиб чиққанлик ва уларга тўлиқ риоя этилишига розиликни англатади.

7.6. Ғолибларни танлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- танлов ишлари 2022 йил 26 августдан 30 августгача Танлов комиссияси томонидан баҳоланади ва энг яхши иш аниқланади.
- мазкур ҳужжатнинг 3-бандида кўрсатилган танлов шартларига мос келмайдиган танлов ишлари Танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.
- баҳолаш натижаларига кўра Танлов комиссиясининг камида 2/3 қисми (кворум) томонидан ижобий хулоса берилган дизайнерлик ишлар орасидан танлов ғолиби аниқланади.
- танлов жараёнлари ва натижалари бўйича шикоятлар/аппеляциялар қабул қилинмайди.
- агар ғолиб аниқланмаса, Танлов комиссияси танловни бекор қилиш ёки қайта эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга;
- танлов ғолиби ЎзРВБнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилинади.

7.7. Танлов ғолиби учун унинг ҳоҳишига кўра HP 16-b0080TX OMEN (Intel Core i7, 11800H, NVIDIA® GeForce RTX™ 3060/ DDR4 16GB/ SSD 512GB/ диагональ 16.1") параметрли ноутбук ёки iPhone 13 Pro Max смартфони соврин сифатида берилиши кўзда тутилган.

8. Муаллифлик ҳуқуқлари

8.1. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунга риоя этилишига Танловда иштирок этиш учун ўз ишини топширган иштирокчи шахсан жавобгардир.

8.2. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунига асосан Танлов доирасида иштирокчиларнинг дизайнерлик ишидан унинг розилигисиз фойдаланилиш (кенг жамоатчилик эътиборига тақдим этиши ва босма ОАВда чоп этиши) мумкин.

8.3. Танловда муаллиф томонидан бошқа шахсларнинг яратган ишлари билан ёки улардан фойдаланган ҳолда иштирок этилишига йўл қўйилмайди ва унинг шахсий дизайнерлик иши қабул қилинади.

8.4. ЎзРВБ томонидан танлаб олинган дизайнерлик иши расман ғолиб деб топилгандан сўнг дизайнерлик ишига муаллиф ёрдамида ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

8.5. Дизайнерлик ишлари ёрдамида шакллантирилган ҳисоботдан лойиҳани ишлаб чиққан шахснинг исми- шарифини кўрсатмаган ҳолда фойдаланилади.

8.6. Танлов натижасига кўра расман ғолиб деб топилган лойиҳадан фойдаланишда ЎзРВБ мутлақ мулкий ҳуқуқга эга.